

# РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ



Оила кутубхонаси

Ҳамидова Маҳбуба Алижановна

## СОҒЛОМ ОИЛА БИЛАН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

ТОШКЕНТ – 2016

**М.А.Ҳамидова. Соғлом оила билан буюк келажак сари. Т.: 2016.**

**38 бет.**

Мазкур рисола “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” номли грант лойиҳасининг “Оилада ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятни ошириш йўналишлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот иши доирасида ҳамда 2016 йил 9 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2487-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида яратилган.

Рисолада оила институти тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақоми, Ўзбекистон Республикасида оила институтини шакллантиришнинг назарий-ҳуқуқий асослари, оилавий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ва қонун ҳужжатларининг қисқача таҳлили Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларга оид давлат сиёсати асослари, оилаларда соғлом муҳитни яратиш борасида олиб борилаётган “соғлом она ва соғлом бола” ғоясини амалга ошириш борасидаги вазифалар ижроси таъминлаш масалалари ёритилган.

Рисола кенг китобхонлар оммаси ва оилавий муносабатлар билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

**Нашр учун маъсул:**

**Х.Х.Мамадалиева** – иқтисод фанлар номзоди, Республика “Оила” илмий-амалий маркази раҳбари

**Тақризчилар:**

**М.К.Нажимов** – юридик фанлар номзоди, доцент;

**К.С.Исмаилов** – юридик фанлар номзоди;

Республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий-услубий Кенгаши йиғилишининг 2016 йил 27 майдаги 2-сонли қарор билан нашрга тавсия этилган.

## К И Р И Ш

Мамлакатимиз мустақиллик даврида, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида қатор ишларни, хусусан, фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини, унинг муҳим бўғини ҳисобланган оила институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш ва ошириш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ислохотлар кўп қиррали ва узок давом этадиган жараён бўлиб, уни шакллантиришда оила институтига муҳим ўрин берилади. Бинобарин, жамиятда мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, оилада жамият аъзоларини, айниқса, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш маскани сифатида оила муҳим аҳамият касб этади.

Биз қураётган адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти биринчи навбатда унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланади. Мамлакатда ҳар бир оила ва ҳар инсоннинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган давлатимизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. ...Ёшларимизни, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов – ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадаийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавий кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим. Шу боис биз мустақиллик йилларида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устивор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келмоқдамиз”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда оилага жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралади, бу нафақат шахсий масала, балки у

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавийат-енгилмас куч. Т.: Маънавият.2008. Б.57.

ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, баркамол шахс – ҳар томонлама фаровон, мустаҳкам оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида алоҳида бобнинг “Оила” институтига бағишланганлиги, бугунги кун воқелигини эътиборга олган ҳолда Оила кодексининг қабул қилиниши, айниқса мустақилликдан кейин эълон қилинаётган ҳар бир йилнинг оила институти билан бевосита ёки билвосита боғлиқ ҳолда номланаётганлиги, тегишли равишда алоҳида давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва унинг самарали жорий этилиши кабилар шулар жумласидандир.

2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан бу борадаги ишларимизни янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: “бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандини бахтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу интилишлар билан яшайди, ўз зурриётининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди”.

Соғлом бола, соғлом авлод орзуси аجدодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, уларнинг инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозалигига, авлоднинг соғлигига жуда катта эътибор берганини кўрамиз.

Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади”<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат.// Халқ сўзи.2015. 6 декабрь №236.Б.3.

## СОҒЛОМ ОИЛА БИЛАН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдига эркин, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Мазкур мақсадга эришиш жараёнида босқичма-босқич фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш ва ошириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг юқорида кўриб ўтилган институтлари тизимида оила институтининг ўрни бекиёсдир. Чунки оила институти фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан фарқли ўлароқ минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, шахсларни бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Айниқса унинг ҳозирги глобаллашув шароитида халқларнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлиги яққол кўриниб турибди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини ўстиришда оила институтининг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш лозим. Мамлакатимизда оила ва унинг қадриятлари тарихи жуда қадим- қадимларга бориб тақалади. Хар бир даврда оила институти ўзига хос вазифаларни бажариб келган, унда миллий урф одатлар, қадриятлар сақланиб келган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлиги, фуқаролар тотувлигини таъминлаш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борадага ислоҳотларнинг мақсад ва мазмунини белгилаб берар экан, Республикамиз Президенти И.А.Каримов жумладан қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Энг муҳим вазифа – халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади”<sup>3</sup>, -деган эди.

---

<sup>3</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”, 1993 йил, 14-бет.

Оила - жамиятнинг асосий бўғини. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур ҳар бир инсон қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Статистик маълумотлардан маълум бўлишича, ҳозирги кунда 31 миллион нафардан ортиқ аҳоли яшаётган Ўзбекистонда 8 миллионга яқин оила мавжуд.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёш авлод тарбияси, оила муаммоси, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастурий чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, мамлакатимиз Конституциясида<sup>4</sup> “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” – дея белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича кучли кафолатлар яратилган. Ёш авлодга таълим бериш ва унга касб ўргатиш тизими шаклланимда, оиланинг мустаҳкамланишига ёрдам бериш, унга моддий ёрдам кўрсатиши керак бўлган турли ижтимоий фондлар ташкил этилган. Сўнгги пайтларда аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига оила орқали бериладиган нафақаларнинг янги тизими жорий этилди.

Миллий руҳиятнинг ва аҳоли турмуш тарзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий жиҳатдан энг ночор оилаларни фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган маҳалла фуқаролар йиғинлари ёрдамида аниқлаш ва уларга муайян моддий ёрдам кўрсатишдан иборат ижтимоий мадад бериш шакли жорий этилди ва кенг қўллаб-қувватланди. Масалага бундай ёндашиш аҳоли орасида кўп асрлик илдизларга эга. Мустақиллик йилларида ушбу соҳада шаклланиган тажриба аҳолининг ижтимоий ночор, муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган маблағлар айнан эгаларига тегадиган қилиб тақсимланишига кафолат беришини

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.Ўзбекистон.2014.6.22.

кўрсатади. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Оилани кўллаб-қувватлашнинг биз амалга оширган янги механизми ўзаро ёрдам ва бир-бирини кўллаб-қувватлаш борасидаги миллий анъаналарни тўла-тўқис ҳисобга олади ва улардан фойдаланади, моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида демократизм ва ошкораликни таъминлайди<sup>6</sup>”.

Биз қураётган адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти биринчи навбатда унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланади. Мамлакатда ҳар бир оила ва ҳар инсоннинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган давлатимизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Оилани эъзозлаш, унинг кадр-қимматини юксакка кўтариш бизнинг онгимизда асосий вазифалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда оилага жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралади, бу нафақат шахсий масала, балки у ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, баркамол шахс – ҳар томонлама фаровон, мустаҳкам оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Биз адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нотижорат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, оиланинг муҳофазаси муҳим аҳамият касб этиб бораверади. Мамлакатимиз қонунчилигида оила институтининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 14-боби “Оила” деб номланган бўлиб, у ўз ичига 63-66 моддаларни қамраб олади<sup>7</sup>. Бугунги кунга келиб, оила билан бевосита ва билвосита боғлиқ 50 га яқин қонун, Президентимизнинг 20 га яқин фармон, қарор ва фармойишлари, 70 дан ортиқ ҳукумат қарорлари, фармойишлари қабул қилинди.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.187-188.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.

Оила институти - ҳуқуқий асосларини ривожланиши **биринчи босқичи (1991-1997 йиллар)** ўзбек оиласининг узоқ йиллар мобайнида шаклланган анъаналари, кадриятлари қайта тикланди ва бу борада мустақил давлатимизнинг дастлабки ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг ҳуқуқий асослари белгиланди. “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги, ”Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги шунингдек, уларни ижросини таъминлашга қаратилган “Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”, “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”, “Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида” ва “Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида Низом” ва бошқа ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Мазкур чора-тадбирлар амалга оширилиши бўйича оилаларга ўзлари яшаб турган, давлатга қарашли бўлган турар-жойлар хусусийлаштириб берилди, қишлоқ жойлардаги оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида 0,25 гадан ер участкалари ажратиб берилди, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари қабул қилинди, ўзбек оиласининг ўзига хос бўлган миллий кадриятлари ва анъаналари қайта тикланди.

**Иккинчи босқич (1998-2004 йиллар).** Ушбу йиллар мобайнида оилага бўлган муносабат янги босқичга кўтарилди. 1998 йил Ўзбекистонда “Оила йили” деб эълон қилинди, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди<sup>4</sup>, Республика “Оила” илмий-амалий маркази ташкил қилинди. Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (8 бўлим, 30 боб. 238 моддадан иборат) қабул қилинди. “Оила йили” тадбирлар дастури тўғрисида ва Республика “Оила” илмий-амалий марказини ташкил

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 й. 5-6 сон. илова.



этиш тўғрисида, Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат Дастури тўғрисида, ”Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом, ”Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари” каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

**Юқоридагиларни ижросини таъминлаш борасида катта натижаларга эришилди.** 1998 йили «Оила йили» деб эълон қилиниши билан шу йили оила манфаатлари учун барча манбалар бўйича 144,8 миллиард сўм маблағ ажратилиб, уларнинг деярли ярми давлат бюджетидан қопланди. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилиниб, оила ва никоҳ билан боғлиқ бўлган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг изчил қонунчилик механизми яратилди. Унда ўзига хос замонавий институтлар сифатида никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши, никоҳ шартномаси, ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар янада аниқлаштирилди. Оила, болалар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлари ташкил қилинди. “Меҳр нури” “Сен ёлғиз эмассан”, “SOS Tashkent kinderdoff”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун” ташкилотлари шулар жумласидандир.

**Учинчи босқич (2005-2011 йиллар).** Мамлакатимизда оилаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ва амалий ишлар олиб борилди. Натижада ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”<sup>5</sup> ги қонуни ва “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон, Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинди.

---

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008й. 1-2 сон. 1-модда.

Президентимизнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилингандан сўнг, тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол ва микро кредитлар шаклида 2007 йилда 50,0 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бутунжаҳон банкининг баҳолашига кўра, аҳолининг фаровонлигини ошириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда аҳолининг кам таъминланган даражаси 2002 йилда 27 %дан 2008 йил 22,5% гача камайди. 2007 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган давлат дастури, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат ва жамият фаолиятининг йўналишлари белгиланди. Ушбу дастурларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 390114,6 млн.сўм ажратилди.

**Тўртинчи босқич 2012 йилдан кейинги давр.** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “2012 йил – Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши бу борадаги ислохотларни мантиқий давоми сифатида бир қатор устувор вазифалар ва йўналишларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасида, **оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг, аёлларнинг, баркамол авлодни тарбиялашда оила институтининг ролини ошириш каби** устувор йўналишлар белгиланди.

Бу йилда амалга оширилган ишлар ўз самарасини кўрсатди. Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги<sup>6</sup>, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунларни қабул қилинди. “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

---

<sup>6</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2014 йил. 6 январь, 1-сон, 1-модда.

тўғрисида”ги ва “Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Ушбу йилларда ҳам оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва бунинг учун ҳуқуқий нормаларни шакллантириш, Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, “Васийлик ва хомийлик тўғрисида”ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 2012 йилнинг ўзида ёш оилалар учун 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилди. Уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш мақсадида минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Умуман олганда, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди.

2013 йилнинг мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши ҳамда шу муносабат билан давлат дастури қабул қилинди. Тадқиқот ишининг олдинги ўринларида оиланинг маҳалла институти билан бевосита боғлиқ эканлигини, унинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини фуқаролик жамиятининг мазкур институтисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтган эдик. Шу жиҳатдан олганда, “Обод турмуш йили” давлат дастур доирасида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган маҳаллани обод қилиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўз ўзини бошқариш тизими янада такомиллаштирилди, маҳалланинг ижтимоий-иктисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилди. Аввало, ана шу мақсадда иккита муҳим қонун қабул қилинди. Жумладан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририда ушбу тузилма фаолиятининг

ташкилий асосларини такомиллаштириш, аҳолини хусусан, оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича унинг ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди.

Давлат дастури доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширган ишларнинг ҳажми ва кўлами қанчалар кенг ва улкан эканлигидан далолат беради.

Ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш ҳамда оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан 2014 йил мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди. Ушбу йилда ҳам оилавий муносабатларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2014 – 2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиклигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилиш қабила шулар жумласидандир. Юқоридагилардан ҳам кўришиб турибдики, мамлакатимизда мустақиллик йилларида бошқа ижтимоий институтлар каби оила тузилмасининг ҳам ҳуқуқий асосларини яратиш ва уни жамиятда кечаётган жараёнларга ҳамоханг тарзда ривожлантириб бориш масаласига давлатимиз томонидан устувор йўналиш сифатида эътибор бериб келинмоқда

Шу асосда ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та кўпқаватли уй қуриш ишлари амалга

оширилди. 2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилди. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Дастур доирасида эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтириш мақсадида боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй паррандаси тарқатилди.

Бугунги кунга келиб оила институтини янада такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларга изчил амалга оширилиб келинмоқда. Зеро, юртбошимиз таъбири билан айтганда ...”оилаларимизда соғлом муҳитни ташкил қилиш, хусусан эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона келин ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишишига эришиш- бу юртимиздаги тинчилик-осойишталик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти эканини эсда тутишни истардим”<sup>7</sup>.

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз- жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат// Халқ сўзи. 2015 й 6 декабрь. № 236.

## Мустақиллик ва баркамол авлод орзуси

Ўзбекистон Республикаси – аҳолисининг 40 фоиздан кўпроғини 18 ёшгача, 60 фоизга яқини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этадиган давлат. Шу боис “Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”<sup>8</sup> -деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ҳамда узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилди.

Маълумки, давлатимиз биринчи бор 1992 йил 9 декабрида “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”<sup>9</sup> ги Конвенцияни ратификация қилиш орқали, халқаро ҳамжамият олдида бола ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни имплементация қилишни бошлади. Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз болалар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. БМТнинг Болоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари 1985 йил) ҳамда БМТнинг Вояга етмаганлар ўртасида жиноятларни олдини олиш учун бош тамойиллар (Ар-Риёд бош тамойиллари, 1990 йил) ва ўндан ортиқ халқаро ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Маълумки, 2016 йил 9 февралда Президентимиз Ислом Каримов томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда “Она ва бола саломат бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ҳамда қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш,

<sup>8</sup> Соғлом она ва бола мамлакатимиз таянчи// Халқ сўзи. 2016 й. 13 февраль № 31(6466). 1-б.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993 йил 4-сон. 177-модда.

жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат–эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш кўзда тутилган. Шу билан бирга ёш болалари бўлган аёлларга нисбатан жиноят қонунчилигини эркинлаштириш, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва Муруват уйлари тарбияланувчилари, ногирон болаларни ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ ҳуқуқий базани такомиллаштириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларимизни изчил ва қатъиятлилиқ билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди”<sup>10</sup> деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим ижтимоий йўналишларидан бири бу аҳолининг бир мунча нозик, ёрдам ва ҳимояга муҳтож қатлами, яъни аёллар, болалар, қариялар, ногиронлар, қандайдир бир жисмоний ва ақлий камчилиги бўлган қатлам манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган. Ушбу тоифадаги аҳолига давлат ғамхўрлиги тегишли қонун актлари, оила, аёллар, соғлом авлод йили давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг даражасини оширишга қаратилган иқтисодий-ижтимоий характердаги қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кўришда намоён бўлади.

Маълумки, болалар ва ўсмирлар, катталардан фарқ қилган ҳолда, руҳан, жисмонан ва ижтимоий тарафдан ҳали узил-кесил шаклланмаган ва бундай шаклланиш жараёнини бошдан кечираётган бўлади. Шу боис, улар ҳали жамиятда ўз ўрнини эгалламаган, ички дунёси тўла шаклланмаган, атроф-борлиқдаги воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашга ҳаёт тажрибаси етишмайдиган ўзига хос бир нозик гуруҳ ҳисобланадики, уларга

---

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. 9-том. –Т.: “Ўзбекистон”.2001.186-б.

нисбатан жамиятда ҳамда давлатда ўзига хос ва мос бир муносабат, сиёсат зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий принциплари сифатида

Биринчидан, боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларининг устиворлиги;

Иккинчидан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат томонидан муҳофаза қилиниши;

Учинчидан, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга давлат ва жамият томонидан васийлик қилиш;

Тўртинчидан, ота-оналарнинг келиб чиқиши ва фуқаролигидан қатъий назар болаларга нисбатан дискриминацияга йўл қўймаслик;

Бешинчидан, болалар тўғрисидаги ҳайрия фаолиятларини рағбатлантириш;

Олтинчидан ота-оналарни болаларни таъминлаш ва тарбиялаш мажбурияти ва бошқалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя этишнинг ҳуқуқий асосларини халқаро тажрибага асосланган ҳолда барпо этиш ва такомиллаштириш;

2. Оилани мустаҳкамлаш, болаларни моддий фаровонлигини таъминловчи иқтисодий шароитларни яратиш, вояга етмаганлар ва болалар қаровсизлигининг олдини олиш;

3. Ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

4. Бепул умумий 12 йиллик таълимни, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида таълим олиш учун давлат грантларига тегишли сумма



ажратилиши назарда тутилган умуммиллий таълим дастурини амалга ошириш;

5. Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш;

6. Аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, ёшлар ўртасида соғлом оилани шакллантиришни кенг тарғиб этиш;

7. Болалар туғуруқхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ врачлик пунктларининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш;

8. Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишига кенг жалб этиш;

9. Болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами – ногиронлар, ота-онасиз болалар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг давлат томонидан ҳимояланишини таъминлашни давом эттириш;

10. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш каби масалаларга асосий эътибор қаратилади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки одимларидан бири - бу Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш бўлди (1992 йил). Бу билан Ўзбекистон халқаро ҳамжамият олдида ўз зиммасига Конвенциянинг барча қоидаларига риоя этиш масъулияти ва мажбуриятини олди. Ўзбекистон давлати болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш ўз давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши эканлигини бутун жаҳонга ошкор қилди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз парламенти томонидан бола ҳуқуқларига оид қуйидаги халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди:

1. 2008 йил 4 апрелда Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияси<sup>11</sup>;

2. 2008 йил 8 апрелда Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир чоралари тўғрисидаги Конвенцияси;

3. 2008 йил 8 июлда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг жазолаш ҳақидаги протоколи;

4. 2008 йил 11 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, фоҳишабозлиги ва порнографиясига таалуқли Факультатив протокол;

5. 2008 йил 4 апрелда Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияси;

6. 2008 йил 8 апрелда Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир чоралари тўғрисидаги Конвенцияси;

7. 2008 йил 12 декабрда болаларнинг қуролли можароларда иштирокига таалуқли Факультатив протоколи каби халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди<sup>12</sup> ва жаҳон ҳамжамияти олдида республикамизда оила, оналик ва болалик халқаро андозаларга мос бўлган ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси болаларга оид давлат сиёсати, оила, оналик ва болалик, ҳозирги ва келажак авлодларнинг давлат ва жамият томонидан ҳар тарафлама қўлдоғли ҳимоя этишни ўзи учун энг муҳим вазифа деб қарайди.

Ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишидир. Унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий ишларни амалга

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси Палаталари Ахборотномаси. 2008 йил. №-4. 174-модда.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари Ахборотномаси. 2008 йил. №-4. 175-180 моддалар.

оширишлари, миқдори, жамият манфаатлари йўлида имкон борича тўла-тўқис рўёбга чиқарилиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатлиги қонунда ўз ифодасини топди.

Ана шу сиёсатни амалга ошириш шакллари сирасига болалар, оила ва аёллар манфаатларини ҳимоя этиш масалалари бўйича чиқарилган ва ижроси қаттиқ назорат этиб бориладиган ҳукумат қарорлари ҳамда давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган тегишли давлат дастурлари киради. Улар сирасига: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш дастури, “Жамиятда хотин-қизларнинг ролини ошириш”, “Соғлом авлод”, “Она ва бола”, “Оила” дастурлари, Ногирон болаларни реабилитация қилиш дастури, Кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам бериш дастури, “Баркамол валод йили”, “Соғлом она ва бола йили”<sup>13</sup> дастури кабилар киради.

Юқоридагилардан асосий мақсад маънавиятни тиклаш ва янада ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш, унинг сифатини ошириб, жаҳон стандартларига етказиш, ёш авлодни ҳар тарафлама камол топтиришдан иборат.

Болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тизими мамлакат Конституцияси, Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги, Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисидаги”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахброт-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Алкоголь ва

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2016 йил. №-7.62-модда.

тамаки маҳсулотларни тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни”, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги ва бошқа бир қанча қонунлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <sup>14</sup>, Ўзбекистонда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда назарда тутилганидек, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, соғлиги ҳолати, ота-онаси, қонунӣ васийларидан ёки бошқа бирон бир вазиятлардан қатъи назар барча ҳуқуқларни беради.

Болага нисбатан дискриминацияга йўл қўймаслик “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”<sup>15</sup> ги қонунинг 4-моддаси, худди шу қоида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг <sup>16</sup> 6-моддаси, Оила Кодексининг 3-моддаси<sup>17</sup>, “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддаси, “Фуқаролик тўғрисидаг”ги Қонуннинг 2-моддаси, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунинг 11-моддаси ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўз ифодасини топган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига кўра “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”. Ёки “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз қарияларнинг ҳуқуқлари давлат химоясидадир” (45-модда).

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 2014.Б.22.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Палаталарининг Ахборотномас. 2009й. № 9. 471-модда

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.1996 йил 1 сонига илова.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил. 5-6 сонига илова.

Эндиликда hozirgi zamон iqtisodiy, siyosiy, huquqiy, madaniy ma'naviy taraqqiётining ilgor tajribalariga javob beradigan, bolalarning chinkam aqliy etukligini ta'minlay oladigan milliy kadrlar tayyorlashning "Ўzbek modeli" yaratildi.

1997 йилнинг 29 avgustida Ўzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tomonidan qabul qilingan "Ta'lim tўғrisida"gi<sup>18</sup>, Qonunning yangi taxiri va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" ana shu yangi modelni amalga oshirishga asos bўldi. Shuni alohida e'tirof etish kerakki, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi va maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturi va maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturining amaliy ijrosi ham nihoyasiga etkazildi. Mamlakatimizda 9 yillik umumiy ўrta ta'lim, 3 yillik ўrta maxsus kasb-hunar ta'lim tizimi shakllantirildi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturiga muvofiq ta'limining mutloq yangi bўgini ўrta-maxsus kasb-hunar ta'limi tizimi avvalgi kasb-hunar ta'limi tizimidan tubdan farq qiladi.<sup>19</sup>

Kadrlar tayyorlash milliy dasturi qabul qilinguniga qadar, aniqroғi 1997 yilda 460ta eski jixoz, xarobalashgan binolarga ega bўlgan texnikum va bilim yurtlariga ega bўlib, ularda 170 ming ўquvchi e'shlar taxsil olish imkoniyatiga ega bўlsa, bugungi kunda Kadrlar tayyorlash milliy dasturiga muvofiq barpo qilingan zamonaviy ta'lim vositalari bilan jixozlangan, ilgor moddiy texnika bazasiga ega bўlgan 1540 ga yaqin akademik лицей va kasb-hunar kolleждарида 1 млн.700 mingdan ziyad ўquvchi e'shlar ta'lim olmoqdalar. Muhimi shundaки, 9-sinfni bitirganlarning 100% ўrta maxsus kasb-hunar ta'lim muassasalariga ўqishga qamrab olish imkoniyati yaratildi.

"Soғlom ona va bola yili" Davlat dasturida soғlom bolani shakllantirishda ta'lim tizimining rolini kuchaytirish, maktabgacha ta'lim muassasalarini tarqatishni yanada kengaytirish, bo'shanqich

---

<sup>18</sup> Ўzbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997 y., 9-son, 225-modd.

<sup>19</sup> НазароваС. Мустақиллик йилларида бола huquqlarini ta'minlash: natija va xulosalar//Бола huquqlarini ta'minlashda ijtimoiy hamkorlik mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari.Т.:EI-PRESS.2011.б.101.

таълим сифатини тубдан ошириш ҳисобидан болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, илғор педогогика ва ахборот коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш вазифаси белгиланган.

Бу борада 286 та мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ўйин майдонлари ташкил этиш, айниқса вилоят марказлари ва шаҳарлардаги нодавлат мактабгача таълим муассасасларини ривожлантиришга қартилган шароитларни янада такомиллаштириш режалаштирилмоқда. 2016 йилда 28 та янги уммутаълим мактаби қуриш, 234 та мактабни реконструкция қилиш ва 105 тасини капитал таъмирлаш, уларни янги ўқув мебелли, компьютер синфлари, ўқув лаборатория ускуналари билан таъминлаш ишлари бошланади<sup>20</sup>. 1.6 мингдан зиёд мактаб компьютерлар, жумладан, интерфаол электрон доскалар билан жиҳозланади. 13 академик лицей ва 107 касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, улар ишлаб чиқариш ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Давлат дастурида касб ҳунар коллежлари битирувчилари, аввало, қизларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиги ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтда бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасинининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб

---

<sup>20</sup> Соғлом она ва бола мамлкатимиз таянчи// Халоқ сўзи. 2016. 13 февраль № 31.Б.2.

бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди<sup>21</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг “Энг кичик ёш тўғрисида”ги(1973 йил), “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги(1999) ва бошқа қатор халқаро конвенцияларни ратификация қилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси болалар меҳнати соҳасидаги миллий сиёсатни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмир соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш турига ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаслиги керак.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш улар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Юқоридаги кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди.

Ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган – ўттиз календарь кунлик асосий таътил берилади<sup>22</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 239-247-моддалари вояга етмаган ёшлар – болаларнинг меҳнат ҳуқуқий

---

<sup>21</sup> Болалар меҳнатини ҳуқуқий кафолатлари//Адвокат. 2015.№ 3. Б.22.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахбортномаси.1996 й. 1-сонга илова

кафолатларини ўзида ифода этган. Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шарт. Белгиланган иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилишни рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказилиб турилиши керак<sup>23</sup>.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган кўшимча имтиёزلардан фойдаланадилар.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Ўқишдан бўш вақтларда ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланади. Корхоналарда ўқишдан бўш вақтида ишлаётган

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998. 9-сон, 181-модда..



Ўқувчиларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ берилади

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумимий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади<sup>24</sup>.

Ота-оналар ва васийлар(хомийлар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар

Вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича талаблар болаларнинг ота-оналари ва иш берувчиларга юклатилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 2 мингга яқин спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга оид мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ҳаётга изчил тадбиқ этилиши самарасида ўқитишнинг барча тизими тубдан ислоҳ этилиб, жаҳон андозалари даражасидаги билим масканлари ва спорт иншоотлари барпо қилинди. Ўқув жараёнининг сифат ва мазмун жиҳатдан такомиллаштирилиши натижасида юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатбардош, замонавий фикрлайдиган малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Соғлом авлодни камол топтиришнинг муҳим воситаларидан бири спортдир. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган Фаромонига биноан Ўзбекистон Болалар спортини

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998. 9-сон, 181-модда.

ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши мамлакатимизда ёш авлодни, жумладан, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш ишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун нафақат йирик шаҳарларда, балки юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ўғил-қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилган.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>25</sup>ги Фармони амалда жисмоний тарбия ва спорт ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Хорижий ва маҳаллий экспертлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини яхшилаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликка юксак баҳо бериши баробарида, қизларимизнинг бўлажак оналар сифатида ўз саломатликларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутадиган спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун яратилган шароитларни алоҳида таъкидламоқда.

“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонуни алоҳида нормаларида маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳаси ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг, фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлари (ННТ)нинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши тартибга солинмоқда, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш тартиби белгиланмоқда.

2014 йилни “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида болалар, айниқса, қиз болалалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар давом эттирилди.

2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30%, жумладан қишлоқ жойларида 29 фоизи спорт

<sup>25</sup> “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси.2004. 5-сон. 113-модда.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси.2010. № 9. 342-модда

билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57.2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этилиши қайд этилган.

Маълумки 2011 йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ёшларни бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишига муҳим шарт-шароитлар яратилди. “Камолот” ёшлар ижтимоий харкати Марказий Кенгаши ва қатор банклар ҳамкорлигида ёшлар орасида кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳаракати кенг авж олдирилмоқда, уларнинг лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда.

Бугун юртимизда болалар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ўз салоҳияти ва қобилиятларини ўстиришга хизмат қилувчи “Камолот” ЁИҲ, “Камалак” каби болалар ташкилотларининг фаолияти мунтазам йўлга қўйилган.

Ёшларни ижтимоий, иқтисодий, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Ёш фермерларни қўллаб-қувватлаш” дастурига кўра 80 дан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Марказнинг 70 дан ортиқ ижтимоий хизмат марказларида кўплаб ёшларимиз ўз малакаларини оширди ва ўз мутахассисликларига эга бўлди.

Шунингдек, “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Маркази” ташаббуси билан ҳам инновацион проектлар, кўрик танлов ташкил этилди. “Келажак овози”, “Ташаббус” ва “Меҳр нури” каби танловлар иқтидорли ёшларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Шу билан бирга “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Маркази” томонидан ёшларни тадбиркорликка тайёрлашга кенг йўл очилган. Марказларда малакали аудиторлар, бухгалтерлар, юристлар ва бошқа мутахассислар иштирокида ёшларга бизнес режа ишлаб чиқиш ва уни ривожлантириш учун кредит олиш билим ва кўникмаларини шакллантиришда амалий ёрдам берилмоқда.

Жорий йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан бўлажак оналар – қизларни жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиши, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга бўлишини таъминлашга қаратилган, қизларда

мустаҳкам ҳаётӣ позицияни шакллантириш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилади. Бу уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишга хизмат қилади.

Ҳар бир коллежда меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича ўқув курслари, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида айрим коллежлар базасида “Бизнес клублар” ташкил этилади. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун “Менинг бизнес ғоям” ва “Ёш тадбиркор- мамлакат таянчи” мавзуларида ҳудудий ҳамда республика танловларини ўтказиш, ёш оилалар, тадбиркор аёлларга, жумладан коллежни битираётган қизларга кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Болаларга эътибор ва ғамхўрлик йил дастурларида яққол кўзга ташланади. Уларнинг ҳар бирида болаларга, умуман, ёшларга оид муҳим тадбирлар ўрин олганлиги фикримизнинг исботидир. Айниқса, “Она ва бола йили”, “Соғлом авлод йили”, “Баркамол авлод йили”, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурларининг ижросида бу яққол намоён бўлади.

Бугун юртимизда болалар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўз салоҳияти ва қобилиятларини ўстириш учун хизмат қилувчи “Камолот” ЁИХ, “Камалак” каби болалар ташкилотларининг фаолияти мунтазам йўлга қўйилди.

Болаларга эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг саломатлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ишларда ҳам яққол акс этмоқда. Кадрлар тайёрлаш дастурининг узвий ва муҳим бўлаги ҳисобланган 3 босқичли спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақалари ҳалқаро майдонларда юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган фидоий спортчиларни тарбиялаш майдонига айланди.

Энг асосийси мазкур тадбирларда 1-синф ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасалари талабаларигача бўлган ёш авлод

вакилларини қамраб олиниб, иштирокчилар сафи йилдан йилга ошиб бормоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшлар, айниқса қишлоқ жойларида қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишига жалб этиш, янги спорт объектлари қуриш ва мавжуларининг моддий-техника базасини мустақкамлаш, уларни замонавий спорт ускуна ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббийлар билан таъминлаш “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардандир.

Бу борада умумтаълим мактаблари учун қўшимча 1.7 мингдан зиёд спорт зали, жумладан, 2016 йилда барча мактабларда спорт клублари, жамоалари ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил этиш ҳисобга олинган ҳолда, 217 зал барпо этиш, ҳар бир туманда зарур ускуналар билан жиҳозланган камида биттадан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (225 та), хусусан, 2016 йилда 15 шундай мактаб қуриш режалаштирилмоқда. Шунингдек, вилоят марказларида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаб фаолияти йўлга қўйилади, сузиш ҳавзалари тармоғини яна шундай кенгайтириш ҳисобидан 11 сув ҳавзаси қурилади, уларнинг умумий сони 290 тага етказилади.

“Соғлом она-соғлом бола, соғлом келажак” дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам болаларга эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Мазкур дастур асосида ишлаб чиқилган чоратadbирлар ҳаётга тадбиқ этилиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлар, янги туғруқхоналар барпо қилинди. Оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг замирида айниқса, юртимиз келажаги бўлган болаларни жисмонан соғлом, маънан бақувват қилиб тарбиялашда “соғлом она ва бола” ғоясини амалга оширишда ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Амалга оширилган ҳамкорлик натижалари эса ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТ таркибида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасини ўрни беқиёс. Мазкур жамғарма ўз фаолиятини оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни методик таъминлаш, “Меҳрибонлик” уйлари, махсус болалар муассасалари ва кам таъминланган оилаларга муруват ёрдамини кўсатиш, ёш оилаларга патронаж хизматини кўрсатиш, аёллар ва болалар дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш каби йўналишларда амалга ошириб келмоқда. Жамғарма она ва бола скрининги, тиббий-ижтимоий патронаж, болалар ва фертил ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, болалар тиббиёт муассасалари ва туғруқ муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва республиканинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларига “Саломатлик” поездлари орқали кўмак бериш дастурилари асосида кўплаб хайрли ишларни амалга оширди.

Тиббий-ижтимоий патронаж дастури доирасида оилаларнинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит, оила аъзоларининг соғлиги ва айниқса, туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва қарияларни соғлигини ўрганиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий, ижтимоий, психологик ёрдам ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазага муҳтож аёллар ва болаларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига тиббий маслаҳатлар берилди. Республикаимизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи кўплаб оилаларнинг тиббий-ижтимоий ҳолати ўрганилди ва доимий равишда муруват ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда.

Она ва бола скрининги дастури бўйича туғма ва наслдан-наслга ўтувчи касалликларни эрта аниқлаш натижасида ногирон болалар туғилишини олдини олиш мақсадида жамғарма томонидан узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги аҳоли орасида замонавий видеотехникадан фойдаланган ҳолда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Республикаимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган Скрининг марказлари томонидан ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар скрининг текширувларига қамраб олинган.

Болалар ва фертил ёшидаги аёлларни соғломлаштириш дастури бўйича юзлаб болалар инсонпарварлик тарзида Германия ва Жанубий Кореянинг етакчи клиникаларида даволанди. Республикамизнинг турли худудларидаги туғма-лаб, танглай нуқсони бўлган ногирон болалар клиникаларда оператив тарзда даволанди. Эшитиш қобилияти паст болаларга эшитиш аппаратлари топширилди. Мунтазам равишда минглаб болалар ёзги ва қишқи соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишмоқда.

2015 йил давомида скрининг марказ филиаллари томонидан жами 238765 та хомиладор аёллар ультратовуш кўрикларидан ўтказилиб, унда туғма юрак пороги аниқланган 4512 аёллар хомиладорлиги тўхтатилган. Республика скрининг марказига “Соғлом авлод учун ” фонди томонидан 160.0 минг АҚШ доллари суммасида “Дельфия-Виктор” биохимик анализатор комплекти тақдим этилди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари маъсулитини янада кучайтириш, шу асосда туғма ва исрий касалликлар сонини камайтириш, поликлиникаларни замонавий тахшис қўйиш ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини юксалтириш, аҳоли ўртасида мустақкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишнинг муҳимлигини тушунтириш мақсадида кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, санитария ва гигиена, хомиладор аёллар соғлиғини сақлаш ҳамда психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парваришлашни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рационали сифати ва калориясини бойитиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Навбатдаги вазифаларимиз оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, “соғлом она ва бола” ғоясини янада такомиллаштириш мақсадида:

– “Маҳалла” жамоат фонди, “Соғлом авлод учун” жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларни ижтимоий, тиббий ва маънавий қўллаб-қувватлашни ташкил этишдан иборат. Зеро, юртбошимиз таъбири билан айтганда “ Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни химоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устивор вазифа сифатида белгилаб олдик”<sup>27</sup>.

---

<sup>27</sup> Каримов И.А. . Асосийвазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат// Халқ сўзи. 2015 йил 6 декабрь №236



## ХУЛОСА

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оила институтининг ўрни беқиёсдир. Чунки оила институти фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан фарқли ўлароқ минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, шахсларни бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Айниқса ҳозирги глобаллашув шароитида халқларнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлиги яққол кўриниб турибди. Оила - жамиятнинг асосий бўғини. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур ҳар бир инсон қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади.

Оила – бу ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда шахсий номулкий ва мулкый муносабатлар орқали боғланган, никоҳ тузиш, қариндошлик, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш ёки бошқача шаклда қабул қилиш орқали биргаликда уюшган шахсларнинг бирикмасидир.

Оила муайян институт сифатида ўз вазифаларини асосан уч йўналишда амалга ошириб келмоқда. Бу йўналишлар фарзандларнинг туғилиши, уларни тарбиялаш ва моддий эҳтиёжини қондиришдир. Шундан келиб чиқиб, оила вазифаларини уч гуруҳга ажратиш оиланинг демографик вазифаси, оиланинг ижтимоий вазифаси ва оиланинг иқтисодий вазифасига ажратиш мумкин.

Оиланинг ижтимоий вазифасига – оилада фарзандларни тарбиялаш, инсон сифатида вояга етказиш, уларни табиатга, жамиятга ва ўзаро муҳаббатини шакллантириш, дам олиш ва саломатлигини тиклаш кабилар киради. Оилавий тарбия деганда ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари асосида бола шахсида дунёқараш асослари, сиёсий, амалий, эстетик ва бошқа ижтимоий таомилларни шакллантириш мақсадида мунтазам, изчил, ғоявий ва маънавий таъсир кўрсатиш жараёни тушунилади.

Мухтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ушбу 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилар экан, бир қатор қилиниши лозим бўлган долзарб вазифаларни белгилаб берди. Жумладан:

**биринчидан**, жамиятимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларимизни янада янги босқичга кўтариш;

**иккинчидан**, соғлом ва мустаҳкам оилани вужудга келтириш (никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш; қиз болани эрта турмушга бериш ҳолатларига чек қўйиш, уни жисмоний ва маънавий соғлом, муайян касб-ҳунар эгаси сифатида жамиятимизнинг фаол аъзосига айлантириш);

**учинчидан**, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш;

**тўртинчидан**, республикада оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш масаласи эътиборда бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди<sup>28</sup>.

2016 йил 9 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2487-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг мазмунида мухтарам Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланган “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган бош ғоя ўз ифодасини топди.

Давлат дастурида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масаласи илгари сурилди. Хусусан, ушбу йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг аёллар (оналар) билан боғлиқ айрим нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, “Мурувват уйлари”, бошқа давлат ва нодавлат таълим

---

<sup>28</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат// Халқ сўзи. 2015 йил 6 декабрь №236

муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларга кундузи қараш марказларини ташкил этишга оид ҳуқуқий базани яратиш каби вазифалар белгиланган.

Жумладан, Дастурда соғлом ва мустаҳкам оила қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Соғлом оила мазмунида тиббий ва маънавий жиҳатдан соғломлик ва шулар асосида мустаҳкам оиланинг вужудга келиши ётади. Президентимиз маърузаларида “Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади”, деб бежизга айтилмаган<sup>29</sup>.

Оиланинг ҳуқуқий асослари оиланинг вужудга келиши, оилавий институтларнинг фаолият юритиши, оиланинг тугатилиши каби муҳим нормалар (жараёнлар) билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қатор қонунларида, жумладан Оила кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда оила, ота-оналик ва болалик муҳофазасига оид қатор нормалар берилган бўлиб, бу нормалар бевосита ота-оналар ва улар ўрнини босувчи шахсларнинг оилага, оилавий муносабатларга бўлган мажбуриятини белгилаб беради ва уларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (47-модда)<sup>30</sup>; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик (47<sup>1</sup>-модда)<sup>31</sup>; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш (47<sup>2</sup>-модда)<sup>32</sup>; никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (47<sup>3</sup>-модда)<sup>33</sup>; васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш (48-модда)<sup>34</sup>; Жиноят кодексининг

---

<sup>29</sup> Эсонова З.Н. Оила институтини ривожлантиришнинг маънавий-ҳуқуқий асослари//

Оила институти ва оила кадриятларнинг ривожланиш истикболлари. Т.2016.Б.

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.2013.41-сон 543-модда.

<sup>31</sup> Ўша жойда

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.2008. 16-сон, 117-модда.

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2013.18-сон, 233-модда.

<sup>34</sup> Ўша жойда

“Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” деб номланган 5-бобидан ўрин олган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-модда);<sup>35</sup> ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (123-модда); болани алмаштириб қўйиш (124-модда); фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (125-модда); никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (125<sup>1</sup>-модда); кўп хотинли бўлиш (126-модда); вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (127-модда); аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда); Оила кодексига берилган никоҳнинг тугатилиши билан боғлиқ, болаларнинг насл-насабини белгилаш билан боғлиқ, болалар тарбияси билан боғлиқ, болалар таъминоти билан боғлиқ, эр-хотиннинг мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ низолар ана шундай тоифага мансубдир. Ушбу Кодексларда айнан оила институтларига ва уларнинг бузилиш оқибатлари (ҳолатлари)га алоҳида эътибор қаратилишининг ўзи фуқаролар, оила субъектлари ва мансабдор шахсларнинг никоҳ, оила, ота-оналик ва болалик муҳофазасини таъминлаш йўлидаги тадбирлардан бири саналади. Ушбу нормалар субъектларнинг масъулияти ва мажбуриятини янада оширади ва оилавий муносабатларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилади.

---

<sup>35</sup>Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2015. 32-сон, 425-модда

## М У Н Д А Р И Ж А

1.	Кириш.....	3
2.	Соғлом оила билан буюк келажак сари.....	5
3.	Мустақиллик ва баркамол авлод орзуси .....	14
4.	Хулоса.....	33

**Ҳамидова Маҳбуба Алижановна**

**СОҒЛОМ ОИЛА БИЛАН БУЮК  
КЕЛАЖАК САРИ**

Босишга 26.10.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Ҳажми 2,3 босма табоқ.

Адади 300 нусха.

58-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ да чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4- уй.